O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 17 APREL ◆ SESHANBA ◆ № 46 (26.748)

СУРАТЛАРДА — ЎЗБЕКИСТОН

Токиодаги «Коника» фотосалонида «Ўзбекистон — Буюк ипак йўлидаги мамлакат» номли кўргазма намойиши муваффақиятли якунланди. Унда таниқли фотомусаввир К.Хагиноянинг юздан зиёд иш намуналари намойиш этилди.

Фотокўргазмага ташриф буюрганлар Ўзбекистон ва унинг халқи, меъморий ёдгорликлари, ўлкамизнинг бой ва гўзал табиий иқлим манзаралари билан танишиш, рангоранг суратлар бошловчилигида Буюк ипак йўли шаҳарлари бўйлаб қизиқарли саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мактуби кўргазмага қўйилган суратлар марказида бўлди. Ушбу мактуб муаллифга у нашр этган «Ўзбекистон — Буюк ипак йўлидаги воҳа» номли китобга жавобан мамлакатимиз раҳбаридан келган эди.

К.Хагиноя мазкур китобни ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, муаллифлик дастхати билан Буюк ипак йўли анъаналарини ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти номига йўллаган эди.

Мактубда жумладан шундай дейилади:

«Ҳурматли Хагиноя жаноблари,

«Ўзбекистон — Буюк ипак йўлидаги воҳа» номли китобингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Китобнинг мазмуни, унинг ғоят чиройли безалиши, ўзбек халқи ҳаётининг турли қирралари акс этган суратлар маҳорат билан танлаб олингани менда катта таассурот қолдирди.

Ишончим комилки, кенг япон жамоатчилигини ўзбек халқининг маданий-тарихий меросларини билан таништирувчи китобингиз Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий ҳамкорликни чуқурлаштириш ишига катта ҳисса қўшади».

Таниқли санъат ихлосмандлари қаторида Япония императорининг қизи, малика Саяко ҳам кўргазмага ташриф буюриб, Буюк ипак йўлининг ривожланиши тарихига, жумладан, Ўзбекистон маданияти ва тарихига чуқур қизиқиш билдирди. У мўъжизакор ва кишини ўзига мафтун этувчи ўзбек замини гўзаллигини кўрсатиб бера олган япон фото устасининг санъатини юқори баҳолади.

Кўргазма К.Хагиноянинг япон ёзувчиси Т.Секи билан мамлакатимизда бўлишининг ижодий ҳисоботи тарзида кечди, дейиш мумкин.

■ **М. ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА, Токио.**

НАВБАТ РЕСПУБЛИКА КЎРИГИГА

Навоийда «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда шаҳар ва туман танловлари ғолибларидан ўттиз нафари қатнашди. Германиянинг «Бероплан» ҳамда ГМБХ фирмалари билан ҳамкорликда замонавий пиво турларини тайёрлаётган «Навоий-инвест» фирмаси зафар қучди. Шунингдек, нуроталик ишбилармон Ортиқбой Эсонов билан Қизилтепадаги «Қўзижон» фермер хўжалиги ҳам танловда совринли ўринларни эгаллашди. Энди ғолиблар республика танловида иштирок этадилар.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

ЁЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

Ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президент Ислом Каримов ижод аҳли олдига жуда нозик ва ҳаётий бир вазифани қўйди: «Юртимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илм-фан, ижод ва санъатда қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган ўғлонларимизнинг мардона чеҳрасини, уларнинг бадиий сиймосини биз қаерда кўриб мамнун бўлишимиз мумкин?»

Юртбошимизнинг асосли бир йигит-қизимиз амалга оширганини, улар қандай жонбозлик кўрсатганини деярли билмаймиз. Ўша бунёдкор замондошларимиз ҳақида кенг жамоатчилик ҳам атрофлича тасаввурга эга эмас. Чунки уларнинг хизматлари очиб берилгани йўқ. Бунинг сабаби шу билан изоҳланадики, биз — ижод аҳли ҳаётдан анча орқада қолиб кетдик, чунки жараёнларга кам аралашяпмиз. Натижада халқимизнинг пешқадам меҳнаткаш кучларини бунёдкорликка сафарбар этишдек машаққатли ишда иштирокимиз деярли сезилмаяпти. Мана шунинг оқибати сифатида юртимиздаги улуғвор ишлар гўёки ўз-ўзидан бўлиб қолаётгандек тасаввур ҳосил бўлмоқда.

Ҳолбуки, ҳар бир ўзгариш жуда кўп ўйланишни, уйқусиз кечаларда изланишни ва жасоратни тақозо этади. Ҳар биримиз жуда яхши биламизки, ҳаётда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмайди.

Бугунги серфайз, жозибали пойтахтимизни бундан ўн йил олдинги нотинч ва бесаранжом шаҳарга қиёслаш мумкинми, ахир? Ундаги беқиёс ўзгаришларни, ҳам шарқона, ҳам ғарбона меъморчилик анъаналари уйғунлашиб кетган замонавий, осмонўпар янги кошоналарни айтмай қўя қолайлик, Тошкентдан чиқиб, Фарғона водийси сари йўл олсангиз, қайдадир биринчи ғишт ишга туширилган янги темир йўл тармоқлари ҳақида гапирмай қўя қолай, қанчадан-қанча қишлоқларимизда замонавий тиббий марказлар, кўркам гузарлар, академик лицей ва коллежлар, кичик корхоналар қад ростладики, бу ишларни қилиш учун озмунча маблағ, озмунча фидойилик талаб этилмайди. Қанча улуғларимизнинг қадр-қиммати тикланди, ҳоки-поклари зиёратгоҳга айлантирилди, қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари эса дунё миқёсида тантана қилинди. Елкамизни қисиб яшаган эски замонларда бу қадар кўламли ишларни амалга ошириш учун бир инсоннинг умри етмас эди, албатта.

Ҳаёт шиддат билан ўзгармоқда, шу билан бирга ҳар биримиз ҳам ўзгармоқдамиз. Жуда камдан-кам кишига насиб этадиган бундай тарихий жараён иштирокчиси бўлиш ҳам бир давлат, албатта. Чунки озодлик ва эркинликни орзу қилган, шу йўлда курашган қанчадан-қанча Беҳбудийлар, Чўлпонлар, Фитратлар бу кунларга етиб кела олмай армон билан ўтиб кетишди.

Мана шулар ҳақида ўйлаганда, биз — қалам аҳли ҳақиқатан ҳам даврдан орқада қолиб кетмаяпмизми, деган хаёлга борасан киши. Албатта, вақти-соати билан мамлакатимиздаги буюк

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

УЛАР СИЗ БИЛАН БИЗНИНГ ОРАМИЗДА

талаби бир воқеани ёдимга солди. Ўтган йили ёзда Сиднейда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларини ер юзидаги жами одамлар қатори ўзимиз ҳам кўз узмай кузатиб бордик. Олимпиаданинг биринчи олтин медалини сувда сузиш баҳсларида украиналик хушбичим қиз қўлга киритганида жуда кўпчилик каби мен ҳам ҳаяжонланиб кетдим. Чунки, ҳар қалай, унча бегона эмас, ўзимиз билан олдинма-кетин мустақилликка чиққан бир давлатнинг довруғи дунёга таралса, хурсанд бўласан-да, киши. Эртаси куни мана шу қизча аслида Ўзбекистонда туғилиб ўсгани, бир-икки йил аввал Киевга кўчиб кетгани ҳақида гап чиқди. Шуни эшитиб, афсусландим. Орадан кунлар ўтди. Вақт ўтган сари бир мен эмас, жуда кўпчилик ҳаяжонлана бошлади. Олимпиаданинг охирги кунлари: «Наҳотки, Ўзбекистонимиздан битта ҳам чемпион чиқмаса?!» — деб кайфиятимиз тушиб кетгани ҳам бор ҳақиқатдир. Худди шундай бир пайтда «Муҳаммадқодир чемпион бўлибди!» — деган хушхабар яшин тезлигида бутун мамлакатга ёйилди.

Қаддимиз кўтарилди. Биз ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимизни яна бир марта дунёга намойиш этдик. Ўша ҳаяжонли лаҳзаларда, тенгсиз курашда халқимиз шаънини мардона ҳимоя қилиб, байроғимиз ва ғуруримизни баланд кўтарган бу танти йигитни ҳар биримиз бошимизга кўтаришга тайёр эдик.

Яқинда эса каратэ ва шахмат бўйича дунё миқёсида ўтказилган баҳсларда мамлакатимиз терма жамоалари ғолибликни қўлга киритдилар. Бу қувончли ҳодиса қайсидир жиҳати билан Қамчиқ довонидаги улуғвор ер ости йўллари, пойтахтимиздаги салобатли кўприклар, Шўртан ва Қоровулбозорда барпо этилган маҳобатли иншоотларни ёдга солади. Чунки бу улкан корхоналар қисқа вақт ичида қад ростлади ва ишга туширилди, бугун мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириб, қудратимизга қудрат қўшмоқда, аммо гапнинг очиғини айтганда, Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган бу ишларни қайси қўйилган, қайдадир қурилиши ниҳоясига етган кўркам ва муҳташам иморатларни, катта йўлнинг икки тарафидаги фавқулодда ўзгаришларни, Қамчиқ довонидаги ҳавас қилгулик даражада кенг ва равон ер ости, ер усти йўлларини кўриб кўзингиз қувонади. Шунда беихтиёр мана шу ҳақда, болаларимизга, невараларимизга насиб этажак файзли ҳаёт ҳақида ўйлаб қоласиз. Улар сиз билан биз бошимиздан кечирган қийинчиликларни кўрмайди. Улар тамомила бошқача яшайди.

Олислардан Ватанни улуғловчи қўшиқ таралади ва у кўнглингизга ажиб бир виқор ва шукуҳ бағишлайди.

«Келажак авлод мустақиллигимиз осонликча қўлга киритилмагани, бу ишлар, қурилишлар ўз-ўзидан бўлмаганини билиши керакку, ахир», — деб ўйлайман. Шунда бундан ўн йил олдинги бесаранжом вазият, мен ўзим гувоҳ бўлган Ўш ва Ўзган воқеалари бир-бир хаёлимдан ўтади. Ўша оғир фожиалар, ғазабга минган одамларнинг денгиздек чайқалиб мамлакатимиз сарҳадларига бориши, Президентимизнинг кечаю кундуз оёқда туриб, уларни тинчлантириш учун жонини жабборга бериши куни кечагидек ҳамон кўз ўнгимда. Бугун бутун мамлакат ҳаётига файз олиб кираётган буюк бунёдкорлик ўша — вайронкор руҳ ҳукм сурган нотинч ва машаққатли йилларда Юртбошимиз томонидан қатъият билан бошланган ишларнинг амалий натижаси эмасми?!

Истиқлол даврида кўпдан-кўп қишлоқларимизга тоза ичимлик суви кириб борди. Ўчоқларда табиий газ ёна бошлади.

Бир парча ердан бир неча марта ҳосил олишга, дон етиштиришга, эмин-эркин ишлашга ва яшашга ўргандик. «Мана шу юрт, мана шу замин бизга отамерос, унинг хўжайини ўзимиз!» — деган мўътабар туйғу қалбларда шаклланди.

Мен бугун йўқ ердан бунёд этилган автомобиль саноати, тобора ўсиб-улғаяётган олтин саноати, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги юксалишлар, куни кеча ўзгаришлар улкан асарларга мавзу бўлади. Лекин ҳозир, менинг билишимча, мана шунга замин яратадиган публицистик асарлар ёзмоқ, турли соҳалардаги бунёдкорлик ишларини изчил таҳлилий асосда кўрсатиб бермоқ даркор. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, бугун қўл қовуштириб қараб туриш ҳам мустақиллигимизни ҳимоясиз қолдириш билан баробардир. Давримизнинг фидойилари ғайрат-шижоати ва интилишларини биз очиб бермасак, уларнинг ибратли фаолиятини улуғламасак, ёшларимизни яратувчиликка йўналтирмасак, фарзандларимизни тарбиялашдек муҳим аҳамиятга молик ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган бўламиз. Тўғри, бу борада журналист укаларимиз сезиларли даражада ҳаракат қилаяптилар, аммо журналистнинг ёзгани бошқа, ёзувчининг ўтли сўзи бошқа. Агар фидойилик очиб берилмаса, у ўз таъсирчанлигини йўқотади. Меҳр ва муҳаббат билан тасвирланмаган қаҳрамон кўнгилдан жой олмайди, унутилади. Бугун ҳаётнинг ўзи ҳар биримиздан жиддий муносабатни ва жиддий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Шу маънода газеталаримиз таҳририятлари йирик қурилишларга, улкан ва янги корхоналарга ёзувчиларимиз сафарларини ташкил этса, нур устига нур бўлар эди. Биз ўз замондошларимизнинг ёрқин сиймоларини яратиш учун ҳаётнинг ички қатламларига чуқур кириб боришимиз, энг аввало, она-юртимизни, озодлигимизни ардоқлашимиз, унинг буюк келажаги йўлида фидокорона ишлар қилаётган ўз юртдошларимизни астойдил севишимиз, қадрлашимиз, уларнинг бой маънавий дунёси, ибратли хислат ва фазилатларини ҳаётий бўёқларда жонли ифода этиб беришимиз даркор.

Бизнинг бирламчи вазифамиз мана шундан иборат, деб биламан.

■ **Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

ФРАНЦИЯЛИК СЕНАТОРЛАР ТАШРИФИ

Ўзбекистон эндиликда Франция томонидан бериладиган имтиёзли кредитлардан фойдаланади, деб маълум қилди Франция Сенати ҳузуридаги ташқи ишлар, қуролли кучлари ва мудофаа комиссиясининг раиси жаноб Ксаве де Вилпен. У республикамизга ишчи визити билан ташриф буюрган мазкур комиссияга етакчилик қилаётир.

— Ўзбекистон молиялаштириш масалаларида Франция томонидан алоҳида эътибор берилаётган мамлакатлар рўйхатига кирган, — деди К. Вилпен. Ҳозирча бу рўйхатга Марказий Осиё минтақасидан фақат икки давлат (иккинчиси Қозоғистон) кирган бўлиб, бу мамлакатлар ҳақиқатан ҳам эркин бозор муносабатларига ўтиш босқичида турибди. Томонлар аниқ лойиҳалар ва таклифларни Франция иқтисодиёт вазирлиги вакилларининг Тошкентга ташрифи давомида муҳокама қилишади. Ушбу ташриф шу йилнинг июль ойида режалаштириляпти.

Сенатор, шунингдек, анжуманда минтақа хавфсизлиги масалаларига ҳам тўхталиб, ушбу муаммолар Франция ҳукуматини ҳам ташвишлантираётганини қайд этди. Террорчилик ва экстремизмга барҳам бериш юзасидан ҳамкорлик қилиш борасида Ўзбекистон билан ўзаро бир қарорга келинди.

Сенаторнинг айтишича, улар Тошкентга келишиб, Франция Президенти Жак Ширакнинг мактубини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга топширишди. Республика Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлиси, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа идораларда учрашувлар ўтказилди.

■ **«Туркистон-ПРЕСС»**



■ **Нуриддин МАҲКАМОВ олган сурат**

МАКТАБ УЧУН МЕБЕЛЛАР

Қашқадарё вилояти мактабларида айни пайтда 1,2 миллиард сўмликдан ортиқ мактаб мебеллари, доскалар етишмаётгани туфайли четдан қиммат нархда олиб келмасдан вилоятнинг ўзида ясаш режалари таклиф қилинганди. Ана шу тадбирлар амалга оша бошлади. «Шаҳрисабзмебель» акциядорлик жамияти мактаб ва коллежлар учун стол, стуллар ишлаб чиқариш бўйича 200 миллион сўмлик буюртма олди.

Аслида бу корхонада шу кун талаблари асосида мебель ишлаб чиқарилмаётганлиги катта йиғинларда айтилган. Шаҳрисабзлик усталар бу нуқсонларни тугатиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Агар ўтган йили вилоят бўйича 58 миллион сўмликдан ошиқ мебель ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 98,2 фоизи корхонанинг ҳиссасидир. 9 миллион 400 минг сўм соф фойда олиниб, шундан 500 минг сўмлик дивиденд тўланганлиги ҳам қолоқликдан чиқа бошлаганларини далиллайди. Мактаб учун мебеллар ясашга киришганлари эса юксалиш сари яна бир дадил қадамдир.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 17 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	175,69
1 Австрия шиллинги	22,37
1 Англия фунт стерлинги	496,69
10 Бельгия франки	76,32
1 Голландия гульдени	139,70
10 Греция драхмаси	9,04
1 Дания кронаси	41,11
1 БАА дирхами	94,09
1 АҚШ доллари	345,57
1 Миср фунти	88,88
10 Испания песети	18,50
100 Италия лираси	15,90
1 Канада доллари	221,24
1 Хитой юани	41,75
10 Люксембург франки	76,32
1 Малайзия рингтити	90,95
1 Германия маркаси	157,41
1 Польша злотийси	86,25
1 СДР	437,54
1000 Туркия лираси	0,29
1 Финляндия маркаси	51,78
1 Франция франки	46,93
1 Швейцария франки	202,44
1 ЕВРО	307,87
10 Жанубий Корея вони	2,61
10 Япония иенаси	27,83
1 Россия рубли	11,99
1 Украина гривнаси	63,78

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТМОҚДА

Сирдарё вилоят Сирдарё туман «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги Боғора қишлоғида яшовчи фуқаро Улуғмуратов Баширнинг жияни Холдаров Эргаш ички ишлар идораларига қабул қилинмаётганлиги ва ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраб «Ўзбекистон овози» редакциясига йўллаган аризасини атрофлича кўриб чиқиш тўғрисидаги таҳририятдан келган хатга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида аризагўйнинг важлари белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди.

Шуни маълум қиламизки, фуқаро Б. Улуғмуратов жияни Э. Холдаровнинг ички ишлар идораларига қабул қилинмаётганлигини билдириб, аризалар билан Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси таҳририятларига ҳам мурожаат этган. Унинг аризалари ўрнатилган тартибда Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасига юборилганлиги туфайли вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш комиссиясининг 2001 йил 12 февралдаги йиғилишида Б.Улуғмуратов ва унинг жияни Э. Холдаровнинг бевосита иштирокида кўриб чиқилган. Йиғилиш жараёнида улар вилоят ички ишлар бошқармаси кадрлар билан ишлаш бўлимига биринчи маротаба мурожаат этаётганликлари аниқланган.

Ушбу ўтказилган йиғилишда уларга ички ишлар идоралари хизматига вазирликнинг амалда қўлланилаётган буйруқ-талабларига асосан қабул қилиш тартиби тушунтириб ўтилган. Аризачи ва унинг жияни ички ишлар идораларига қабул қилиш тартибини тўғри тушуниб олганликларини ва уларнинг ҳеч қандай эътирозлари йўқлиги ҳақида йиғилишда маълум қилдилар.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, фуқаро Б. Улуғмуратовнинг жияни Э. Холдаровга ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиниши учун Ички ишлар вазирлигининг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларига асосан тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма берилганлигини ва у ҳозирда тиббий кўрикдан ўтаётганлигини маълум қиламиз.

Бу ҳақда аризачига ўрнатилган тартибда маълум қилинди.

■ **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. СИДИҚОВ**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЗАРАБОҒ ОБОД БЎЛАРМИШ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 15 февраль сонида чоп этилган «Зарабоғ обод бўлармиш» сарлавҳали мақолани атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Текшириш жараёнида «Пошхўрт», «Учёғоч», «Зарабоғ» қишлоқлари учун 1998 йилда давлат бюджетидан маблағ ажратилиб, 50 км. ўрнига 22 км. сув қувурлари ўтказилганлиги, ҳозирги кунда маҳаллий бюджетда маблағ танқислиги сабабли ҳамда 32-мактаб биноси қурилиши ҳам худди шу сабабга кўра вақтинчалик тўхтатилганлиги аниқланди ва ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳомий ташкилотлар ҳамда аҳоли маблағини жалб қилган ҳолда туман ҳокимлиги томонидан тугатиш чоралари кўрилмоқда.

■ **Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. НУРАЛИЕВ**

ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯСИ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

УЛУҒ НИЯТ

Мустақиллигимизнинг биз кўникиб улгурган, лекин нафсиламбрини айтганда, аҳамиятини баҳолаш қийин самараларидан бири бу — ҳаётимизга кундан-кун компьютерлар кириб бораётгани.

Бу ҳақда холис тасаввурга эга бўлиш учун яқин мозийга мурожаат этайлик. Собиқ СССР билан АҚШ ўртасида техника ва технологияда, айниқса, ҳарбий аҳамиятга молик соҳаларда ашаддий рақобат ва беаёв мусобақа мавжуд эди. Ҳарбий устунликка эришишда компьютерларнинг ролини англаш қийин эмас — ахир ракеталар ҳам, сунъий йўлдошлар ҳам, ҳозирги ҳарбий самолётлар, кемалар, ҳатто танклар ҳам компьютерсиз самара бермайди. 80-йилларга келиб ана шу стратегик соҳада собиқ СССР АҚШдан ўн йилларча ортда қолиб кетгани мутахассисларга маълум. Қиёслаш учун бир мисол: собиқ СССРнинг 1989 йилда Ленин мукофотига лойиқ топилган (яъни энг замонавий) «Искра-266» русумли шахсий компьютери Японияннинг болаларига ўйинчоқ сифатида чиқарилган «Ямаха» компьютерига нисбатан ҳам ҳар томонлама қолоқ эди! Ҳолбуки, ўша даврдаёқ IBM ва «Макинтош» русумидаги кучли шахсий компьютерлар АҚШда юз минглаб сотила бошлаган, иш юритиш, таълим, ишлаб чиқаришда, ҳатто хонадонларгача ёппасига компьютерлаштириш жараёни авж олиб улгурган. Икки қарама-қарши лагерь ўртасидаги ҳарбий-сиёсий рақобат туфайли капиталистик мамлакатларда ишланган компьютерлар социалистик мамлакатларга сотилмас эди. Собиқ СССР бошлиқ социалистик мамлакатлар эса ўз шахсий компьютерларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга уринган-у, аммо юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, бу ишни уддалай олган деб бўлмайди. Собиқ совет саноати маҳсулотларининг, масалан, телевизор ва магнитофонларининг сифатини эслайлик. Ўша пайтда ҳатто шундай латифа тўқилган: совет микрокалькуляторлари катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради! Компьютерларни «зарбдор меҳнат билан режани бажариш ва ошириб бажариш» усули билан ишлаб чиқариб бўлмайди-да. Телевизорку сифатсиз бўлса ҳам нималарнидир кўрсатиши мумкин, компьютернинг минглаб унсурлари орасида биттаси сифатсиз бўлса ҳам умуман ишламайди.

Мустақиллик туфайли республикамизга бошқа замонавий ахборот воситалари қатори энг илғор шахсий компьютерлар кириб кела бошлади ва жамият ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштириш учун кенг йўл очилди. Бу эса тараққиётнинг калити эканлиги энди ҳаммага беш бармоқдай аён.

Шуни алоҳида ифтихор билан қайд этиш лозимки, бугун ҳаётимизнинг кун тартибига шунчаки компьютерлаштириш, яъни тайёр компьютерларни сотиб олиш ва жорий қилиш масаласи билан чекланилмай, балки мутаносиб ишлаб чиқариш савиясини таъминловчи технологияни олиб келиш ва ривожлантириш вазифаси қўйилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига сафари дастурига йирик электрон саноати корхонаси бўлган «Сименс» мажмуасига қарашли «Инфинеон» фирмасига ташриф этилиши, ташриф чоғида фирма раҳбарларига илғор замонавий технологияни республикамизга олиб кириш, бунинг учун уларга барча шарт-шароит яратиб берилиши ҳақидаги таклифи кишини ёруғ хаёлларга етаклади. Ҳа, бу жуда узоқни кўзлаган улуғ ният бўлди. У халқлар ўртасидаги мураккаб ва жадал иқтисодий пойгада тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб иштирок этаётган мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи йўлидаги улуғвор мақсад ифодасидир.

Зар қадрига заргар етади, дейдилар. Компьютерни ишлатиб кўрмаган одам «Бу ҳам бир машина-да» деб қўя қолиши мумкин. Лекин компьютер ҳозиргача инсон зоти ихтиро қилган барча янгиликни тарозида босадиган ихтиродир. АҚШлик таниқли олим Э. Тоффлер инсоният тарихини уч босқичга бўлиб, биринчи босқични қишлоқ хўжалиги цивилизацияси, иккинчи босқични саноат цивилизацияси, учинчи босқични эса ахборот цивилизацияси, деб баҳолайди. Сўнгги босқич моҳиятан «компьютерлашиш» цивилизацияси демакдир. Албатта, бугун Ер курраси оз бўлса-да, ибтидоий жамоа тузумида яшаётган қабилалар сақланган, талай халқлар ҳамон «қишлоқ хўжалиги босқичи»дан чиқиб кетолганича йўқ. Лекин иккинчи — «саноат» босқичи ҳам бугунги тараққиёт учун кифоя эмас экан. XXI асрда давлатлар, миллатларнинг мавқеи уларнинг «учинчи босқич»даги даражасига қараб белгиланади. Президентимизнинг «Инфинеон» ишбилармонларининг Ўзбекистонга келиб ишлашга рағбатини ана шу нуқтаи назардан тушунсак тўғри бўлади.

Гап компьютердай «ақлли машиналар» ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳам эмас. Гап — мана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқара олиш салоҳиятига эришишда. Зеро, биринчидан, бунинг учун энг замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланган саноат корхонаси қуриш зарурки, шунинг ўзиёқ тараққиётда салмоқли қадам бўлади. Иккинчидан, инсон тасаввурига сиғмайдиган (миллиметрнинг мингдан бир улушлари даражасидаги) аниқликни таъминлайдиган технология ўзлаштирилади. Учинчидан, юқори малакали кадрлар тайёрлаш яна бир поғонага кўтарилади. Тўртинчидан, энг юксак талабларга жавоб берувчи, таъбир жоиз бўлса, немисча меҳнат интизоми жорий бўлади.

Мустақиллигимизнинг бешинчи йилида Асака автомобиль заводи қурилиб ишга туширилиши жамиятимизда қандай иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бўлса, Президентимизнинг янги нияти яна ҳам улуғворроқ марраларга йўналганига шоҳидмиз. Бу ният рўёбга чиқишига тилакдошмиз ва унга ишонамиз. Албатта, бунинг учун тилакдош бўлишнинг ўзи кам. Улуғ ният шунга яраша ҳаракат ва заҳмат талаб этади, ҳукумат мутасаддиларидан, молиячилардан, олимлардан, тадбиркорлардан, талабалардан, ҳатто оддий информатика ўқитувчиларидан — барчабарчадан.

Германияга сафар чоғида бир неча мезбонлар ўз сўзларида Европа математика фанини юртимиздан етишиб чиққан олимлардан ўрганганларини таъкидладилар. Биз буни алоҳида ифтихор туйғуси билан эшитдик. Ўрни келганда яна бир эслаб ўтиш жоизки, буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий нафақат алгебра фанининг яратувчиси, дунё халқларини ўнли саноқ системаси билан ишлашга (жўн қилиб айтганда тўрт амалга) ўргатган устоз, айни пайтда янги тафаккур усули — алгоритмик мушоҳада ихтирочиси ҳам. Алгоритм тушунчасида алломанинг нисбати — қадимий Хоразм акс этгани бежиз эмас. Умуман, исми фанга атама бўлиб кирган Вольта, Ампер, Рентген каби олимлар қаторида бунга мушарраф бўлган ягона (!) шарқлик олим ал-Хоразмийдир.

Биз бунга алоҳида урғу беришимизнинг боиси шундаки, компьютернинг мияси микропроцессорлар бўлса, компьютерга жон бағишловчи руҳи — алгоритмлар. Фақат компьютер алгоритмлари, фандаги бошқа алгоритмлардан фарқланиши учун программалар — компьютер дастурлари деб юритилади. Шуни қониқиш билан қайд этиш лозимки, республикамизда алгоритмлар назарияси ва программалаштириш соҳасида кучли илмий мактаблар, хорижлик мутахассислар билан баҳслашадиган программачиларимиз мавжуд. Мана шу туфайли, яъни малакали мутахассислар тайёрлаш тизими борлигидан иқтисодиётимизни компьютерлаштириш кадрлар тақчиллигисиз бормоқда. Агар «учинчи цивилизация» йўлидаги эзгу ниятлар амалга ошса, замонавий электрон ускуналар ишлаб чиқариш билан бирга программа индустрияси ҳам жадал ривожланиш йўлига киради. Ахир, қулай ва фойдали программалар билан таъминлансагина компьютер «темир-терсак»дан «ақлли машина»га айланадида! Бугунги кунда программалар ишлаб чиқиш жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим, энг сердаромад, энг жадал ривожланаётган соҳасига айланган. Айниқса, у АҚШ миллий даромадини шакллантиришда энг салмоқли соҳа мавқеига чиқди. Программа ишлаб чиқиш, сотиш билан шуғулланувчи «Майкрософт» фирмасининг асосчиси Билл Гейтс дунёнинг энг ёш ва энг бой миллиардери бўлиб қолаётгани ҳам шундан.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Агар республикамиздаги энг кучли программачиларнинг бошини қовуштириб, илмий ишлаб чиқариш маркази тузилса, бу марказ олдига жаҳон миқёсида рақобатбардош программалар яратиб халқаро бозорда сотиш вазифаси қўйилса, Президентимизнинг улуғ нияти йўлидаги яна бир қадам бўлар эди. Ҳолбуки, бу катта инвестиция талаб этмайдиган, дарҳол самара берадиган тадбирдир — программачиларга шароит яратилса кифоя. Авлодларимиз томирида ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Улуғбек каби дунёга устозлик қилган аждодларимиз қони оқар экан, ўзбек биллгейтслари ҳам етишиб чиқишига ҳамма асос бор. Бунинг учун ёшларимиз Президентимиз ғояларини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатишлари, миллий истиқлол ғоясини амалда ўз ғояларига айлантиришлари талаб этилади.

Замонамиз энг қимматбаҳо ресурс бўлмиш вақт деган омилнинг ҳар бир йилидан унумли фойдаланмаса кеч бўладиган даврдир. Қолаверса, қуражак жамиятимиз ёшларники бўлади, ниятимиз эса — уларга обод ва озод Ватан қолдириш.

■ **Абдулла АЪЗАМОВ**





Янгиқўрғон туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ҳозирда туманда 1 та марказий касалхона ва унинг 6 та қишлоқдаги бўлимлари, 10 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та диспансер, 4 та фельдшерлик-акушерлик пункти, болалар стоматология поликлиникаси, 14 та дорихона, 5 та хусусий шифохона фаолият кўрсатмоқда. Касалхоналардаги ўринлар сони эса 835 тани ташкил этади. Малакали шифокорлар сони олдинги йиллардагидан ортиб, шифокорлар 282 нафарга, ўрта тиббиёт ходимлари 1496 нафарга етди.

Амбулатория-поликлиника, жарроҳлик, стационар хизмати кўрсатишдаги ютуқлар ҳам салмоқлидир. Шу билан бирга кўрсатилаётган тез ёрдам хизмати сифатидан кўпчилик мамнун. Яқинда туман марказидаги 1-болалар бўлими биноси қайта таъмир қилиниб, бу ерда вилоят давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиали фаолият бошлади. Ана шу мақсад учун 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозирда бу ерда 59 нафар олий ва биринчи тоифали врач, 75 нафар олий ва биринчи тоифали ўрта тиббиёт ходимлари, 38 нафар кичик тиббиёт ва 10 нафар бошқа ходимлар хизмат қилишмоқда.

— Туманимизда турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, айниқса, «Оналар ва болалар йили»да фаолиятимизни янада яхшилаш учун барча зарур чораларни кўряпмиз, — дейди туман марказий шифохонаси бош врачи Ҳ. Ўринов. — Бугунги кунда чекка Поромон ва Бекободбоши қишлоқларида кунига 50 нафардан беморни қабул қиладиган қишлоқ врачлик пунктлари қурилмоқда. Улар бугун-эрта фойдаланишга топширилади. Оқтом, Газнон, Сангистон каби қишлоқларда фельдшерлик-акушерлик пунктлари яқин кунлар ичида аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

***Суратларда:** 1. Янгиқўрғон туман марказий касалхонаси бош врачи Ҳусанбой Ўринов ва жарроҳ Асқарали Ўринов. 2. Марказий касалхона туғуруқ бўлимида. 3. Тез тиббий ёрдам марказининг умумий кўриниши. 4. Тез тиббий ёрдам марказининг болалар врачи Лайло Аҳмедова.*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

МУРУВВАТ

МЕҲР МАЛИКАСИ

Самимият болалик дунёсидан тетапоянади. Уларнинг олқишиям ўзларидай самимий. Саҳнада виқор билан буюк зотлар — Амир Темур, Сароймулкхонимлар намоён бўлди. Томошабинларга, ён-веримдаги жажжи меҳмонларга қарайман. Нигоҳларида чексиз ҳайрат, тасаввурларига сиққанича тарихни нигоҳларига тўлдирган. Кўзлари Соҳибқиронда. Назаримда, бугунги томошабинлар бошқачароқ, тарихий асариям ўтмишниям, аждодларниям, буюк саркарданиям, беназир маликаниям ўзларига бошқатдан кашф этаётгандай. Улар пойтахтимиздаги 21, 24-меҳрибонлик уйлари, 30-болалар ногиронлик уйи, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, жамоатчилик вакиллари. Соҳибқирон Амир Темур тавалудининг 665 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси ҳамкорликда «Темурий маликалар» номли рақс театрини уларга ҳайрия сифатида намойиш этдилар.

Инсон меҳрга ташна. Айниқса, болажонлар. Улар хоҳ кўнгли ўксик болалар бўлсин, хоҳ ота-онаси бағрида ўсаётган болалар бўлсин, барибир биздан, катталардан меҳр-мурувват кутадилар. Ота-онасидан айро ўсаётган болаларга шафқат кўрсатиш эса улуғ савоб. Шулар ҳақида ўйлайман-у, барибир кўзларим яна улар устида сирпанади. Астагина олдимда ўтирган вужуди кўзга айланган, мужгонларида ғилт-ғилт ёш айланаётган қизчанинг диққатини бузгим келмаса-да, сўрайман:

— Сен рақсни яхши кўрасанми? Қаердансан?

У ялт этиб бурилади, кўзларининг туб-тубидаги мунгни яширолмай, бироз бизга тикилиб туради. Кейин бола-болада. Ҳаяжонини ҳайратига йўғириб-йўғириб:

— 24-меҳрибонлик уйиданман. Гулжамол Алимбековаман. Тошкентликман, 11 ёшдаман, учинчи синфда ўқийман. Икки синглим ва мен шу ердамиз.

— Нега бунча ҳаяжондасан? Кўзларингда...

— Қаранг, қаранг, Бибихоним бунчалар меҳрибон малика, шаҳзодаларни ўз онасидайин бошини силаяпти. У менга онадай яқин туюлаяпти. Чиройлилигини, малика, ҳақиқий малика, йўқ, меҳр маликаси экан. Менга шундай имконият берганлар ҳам шундай одамлар. Биласизми, келажакда мен ҳам одамларга яхшилик қиладиган меҳрибон одам бўламан. Мен Сароймулкхонимнинг либосларидай либослар тикиб, бутун дунёга кўз-кўз қиламан.

Қизалоқ астагина биз билан шу узуқ-юлуқ суҳбатида тарбиячи опаларининг меҳрибонлигую тез-тез ҳар хил хайрия тадбирларидан олаётган завқини гапиради.

Назаримда, Бибихонимнинг буюк салтанат, сарой мулкининг бош хонимига айланишининг боиси ҳам шу— бениҳоя олийжаноб қалб эгаси эканлигини ўзим ҳам яна бир карра ҳис қиламан. Яна бир шу меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 4-синф ўқувчиси,12 ёшли тошкентлик Жасур Кенжаев:

— Катта бўлсам Темур бобомдек ҳарбий саркарда бўлишни орзу қиламан, — деди кўзларида бир олам ишонч билан. Гарчи уни сўроққа, суҳбатга тортмасам-да, у яна қайта: «Генерал бўламан!» деди ғурур билан муштчасини қаттиқ тугиб.

— Болаларнинг маданий тарихий меросимизни чуқур англаб етишида бундай тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди 24-меҳрибонлик уйи тарбиячилари Мамлакат Исмоилова ва Дилфуза Пўлатовалар. — Шаҳсан Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан тарбияланувчиларимизга жуда катта эътибор берилаяпти. Элимиз саховатпеша.

Дарҳақиқат, саховатпешалик, савоб иш ҳам олийжаноб қалблардан кўчади. Кўнгилларга нур бўлиб кирган аждодларимиз сиймоси шу мурғак қалбларда эзгу ниятлар уйғотгани рост.

Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг тадбирда иштирок этишларини ташкил қилишда ҲДП Собир Раҳимов, Чилонзор, Юнусобод, Шайхонтоҳур туман кенгашлари яқиндан ёрдам бердилар.

■ **Насиба ИСМАТОВА**

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК — АДОЛАТНИНГ ҒАНИМИ

шу туфайли вобкентлик тадбиркор Жўра Ҳожиев жабр кўряпти

Тадбиркорлик ҳаракатини Вобкент туманида биринчи бўлиб Жўра Ҳожиев бошлаб берганини ҳамма яхши эслайди. Ўшанда Жўра ака ҳеч чўчимай «Вобкент-Олмос» хусусий фирмасини тузиб, туманда аҳолига транспорт ва савдо хизмати кўрсатишдаги кемтикликни тўлдираман, дея олдига катта мақсадларни қўйганди. Истиқлол шарофати туфайли уларнинг кўпига эришди. Мамлакатимизнинг йирик мустақиллик иншоотлари — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан кимё мажмуи қурилишларида фирма аъзолари фаол қатнашди. Қийинчиликларни бардош билан енгишга ўрганган ҳар қандай одам ҳам адолатсизликка чидай олмайди. Сансалорлик, қоғозбозлик, лоқайдлик, оворагарчиликлар тадбиркорнинг ҳафсаласини пир қилиши ҳеч гапмас-да.

— Ҳаммаси 1998 йил 10 декабрда Бухоро вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан ўтказилган «кимошди» савдосидан бошланди, — дейди Ж.Ҳожиев. — Ўшанда биз «Бухоросувқурилиш» бошқармасининг 42-кўчма механизациялашган колоннасига тегишли бўлган «КамАЗ-5511» русумли автомашинани 370 минг сўмга сотиб олдик. Бошқармадагилар ушбу мулкни тасдиқловчи 4194-рақамли давлат ордерини қўлимизга тутқазишиб, машинани манзилидан бемалол ҳайдаб кетишингиз мумкин, дейишди.

Минг афсуски, ўшанда бошқармадаги корчалонлар тадбиркорнинг қўйнини пуч енгоққа тўлдиришганди. Машина 42-КМК ҳовлисида хомталаш ҳолда ётарди. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутасаддилари томонидан тузилган далолатномадагидан машинанинг техник ҳолати тубдан фарқ қилади, барча яроқли қисмлар ечиб олинган, двигатель рақами эса бошқа. Ҳолбуки, колонна бошлиғи Р. Остонов машинани сотувга қўйишдан анча илгари — 1998 йил 8 июлда давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига машинани кўз қорачиғидай сақлаши тўғрисида тилхат ёзиб берганди. Бунинг устига мазкур машина ДАН рўйхатида 42-КМКда эмас, балки Ромитан туманидаги 8-КМК ҳисобида тураркан. Буни машинанинг техник паспорти далиллаб турса-да, «кимошди» савдосида била туриб, чалкашликка йўл қўйишган.

«Вобкент-олмос»чилар 42-КМК раҳбариятига кўп бора мурожаат қилишди. Олган жавоблари қуйидагича бўлди: хоҳласангиз ана машина, бўлмаса... Охири улар чўнтакларидан харажат қилиб, машинани қайта таъмирладилар. Қайта ҳаёт бағишланган машинани ишлатаман дейишса, ДАН дан давлат рақами олиш қийин. «Отангга бор, онангга бор» билан орадан икки йил ўтди. Машина жойидан жилмади. Тоқати тоқ бўлган тадбиркор ушбу ҳолат юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. У ўз даъволарида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-ва 481- моддаларига асосан 2000 йилнинг 1 августига қадар техник ҳолати соз бўлган машинанинг 17 ой бекор турганлиги, даромад ола билмаганлиги эвазига 3 миллион 867560 сўм зарар кўрганлиги ва ушбу зарарни ундириб бериш ҳамда ДАН органларидан рўйхатдан чиқариб беришни сўраганди.

Ушбу иш юзасидан даъвогарнинг розилиги билан вилоят хўжалик судининг 2000 йил 21 августдаги ажримига асосан вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб этилди. 2000 йил 24 августда вилоят хўжалик суди судьяси Я. Азимов ҳал қилувчи қарорни чиқарди. Унга асосан даъвогар талаби қаноатлантирилиб, 42-КМК ҳисоб рақамидан «Вобкент-Олмос» фойдасига 1895780 сўм ҳамда давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳисоб рақамидан ҳам шунча миқдорда пул ундириш белгиланди. Шунингдек, 42-КМК зиммасига машинани ДАН органларидан рўйхатдан чиқариб бериш юклатилди. Аммо, ушбу қарордан вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси норози бўлиб, ўз эътирозларини билдирган ҳолда апелляция шикояти келтирди. Орадан бир ой ўтгач, иш хўжалик суди коллегиясида кўрилиб, 11 октябрда ғалати ажрим чиқарилди. Ушбу ажримга биноан фирма фаолиятини ўрганишга 11-ХАТП, 18-АТК ва солиқ инспекцияси мутахассислари жалб этилди. Текшириш устига текшириш, беҳуда тазйиқлар замирида нима ётганини ҳеч ким билмайди. Фирма фаолияти ойнадек равшан бўлишига қарамай, кавлаштириш қарийб бир ой давом этди. Машинани таъмирлашга кетган маблағ учун ҳужжат борми? Қанча соф фойда олгансан? Ва ҳоказо. Ахир, ишламаган машинадан қандай даромад ёки фойда олиш мумкин? Хуллас, асаббузарлик, судга кунора қатнаш кимларгадир керак бўлган-да. 2001 йилнинг 24 январида узоқ тортишувлардан сўнг, даъвогарнинг талабига асосан чўзилган ишга яна қўл урилди.

Вилоят хўжалик суди апелляция ҳайъатининг (раислик этувчи Л. Алиева, судьялари А. Нарзуллаев, Б. Сайфуллаев иштирокида) бўлиб ўтган мажлисида тадбиркорнинг талаби рад этилди. Биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарори бекор қилинди.

Энди дўппини ерга қўйиб, ўйлаб кўрайлик. 2000 йил 11 октябрда худди шу тартибдаги мажлисда чиқарилган ажримга асосан 30 ва 31 октябрда 11-ХАТП ва 18-АТК томонидан берилган хулосаларда «КамАЗ» русумли автомашинанинг бир кунлик ўртача даромади шаҳар типида жойларда 16787 сўм, қишлоқ ёки туманларда эса 20144 сўм деб кўрсатилган. Шунга қарамай, апелляция ҳайъати иккала корхонадан берилган ушбу хулосаларни инобатга олмай, негадир уларни яна чақириб, ҳеч қандай ажримсиз, яна фирма фаолиятини ўрганишга жалб этди. Қайта олинган хулосалар эса биринчи даъвогарга тақдим этилмади. Қизиқ, иккала корхонадан хулосалар олинган-у, бироқ 2001 йил 24 январдаги апелляция қарорида кўрсатилмаган. Шу ўринда апелляция ҳайъати қарори қонун асосида чиқарилганми ўзи, деган савол пайдо бўлмайдими?

Яна ажабланарлиси шундаки, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси манфаатини ҳимоя қилган вакил А. Ражабов вилоят давлат солиқ бошқармасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Ҳолбуки, солиқ инспекциясида ишлайдиганлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ идораларига ходимларни хизматга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомда: солиқ органларида учинчи шахслар иши бўйича ишончли вакиллар ёки вакил бўлиш тақиқланади дейилган.

Айтаверсак гап кўп. Аммо бир нарса аниқки, тадбиркор ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган. Бунга ким аниқ жавоб беради?

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ВАТАН РАВНАҚИ — ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Қўлни қўлга бериб, елкамаелка туриб, юртимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишга, янада гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантиришга ҳар биримиз ҳисса қўшаяпмизми?

Ана шундай саволларга ЎзХДП Янгийўл шаҳар партия кенгашида бўлиб ўтган Тошкент вилоятидаги туман, шаҳар кенгашлари биринчи ва иккинчи котиблари иштирокидаги «Мустақиллик, демократия, сиёсий партиялар ва ёшлар» мавзуидаги семинар-кенгашда атрофлича жавоб изланди.

«Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари С. Салимов ўзининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳаётимизнинг асосий Қонуни» номли маърузасида бу масалага кенг тўхталди.

